ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ

# ЕР МАЙДОНЛАРИДАН ҲУЖЖАТЛАРСИЗ ЁХУД ЕР УЧАСТКАСИГА БЎЛГАН ҲУҚУҚНИ ТАСДИҚЛОВЧИ ҲУЖЖАТЛАРДА КЎРСАТИЛГАНИДАН КАТТАРОҚ ҲАЖМДА ФОЙДАЛАНИЛГАНДА РЎЙХАТГА ОЛИШ ВА УЛАРГА НИСБАТАН ОШИРИЛГАН СОЛИҚ СТАВКАСИНИ ҚЎЛЛАШ ТАРТИБИ



# ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ ЕР УЧАСТКАЛАРИГА НИСАБАТАН ҲУҚУҚЛАРИНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШИ



Ер давлат мулки – умуммиллий бойликдир.

Ернинг мутлақ мулкдори давлат.
Ерлар республика мулки ҳисобланади.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФУҚАРОЛАРИ

- Деҳқон хўжалиги юритиш учун
  - 3 йил қишлоқда яшаган ёш фуқароларга **суғориладиган ердан 0,35** га, лалми ердан **0,5 га**, чўл зонасида **1 га** ер. Аукцион орқали **0,06 га**
- Якка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш учун
  - **0,04 га** ер участкаси **«E-IJRO AUKSION»** орқали. Алоҳида тоифадаги шахслар **ариза** орқали
- Жамоа боғдорчилиги ва узумчилиги юритиш учун
  - Ҳоким томонидан боғдорчилик-узумчилик ширкатининг ҳар бир аъзосига **0,06 га. ча** ва полизчилик ширкатининг ҳар бир аъзосига **0,08 га. ча**

мерос қилиб қолдириладиган **умрбод эгалик қилиш**га ер участкаси олиш ҳуқуқига эгадирлар



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФУҚАРОЛАРИ ВА ЧЕТ ЭЛЛИК ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР

- **Доимий фойдаланиш**
- **Муддатли фойдаланиш**
  - Қисқа муддатли - 3 йилгача
  - Узоқ муддатли - 3 йилдан 10 йилгача

**Ижарага олиш**

- **Туман ва шаҳар ҳокимлари** → Ўзбекистон Республикаси фуқароларига
- **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси** → Чет эллик жисмоний шахсларга

*Ер участкаларини ижарага бериш тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.*

# ЕР УЧАСТКАСИГА БЎЛГАН ҲУҚУҚНИ ТАСДИҚЛОВЧИ ҲУЖЖАТЛАР

**Ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатига олиш тўғрисидаги ГУВОҲНОМА**

→ **ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатдир**

**ҚУЙИДАГИЛАРГА АСОСАН БЕРИЛАДИ:**

1. маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг юридик ва жисмоний шахсларга ер участкаси бериш (ажратиш) тўғрисидаги қарори

ёки

2. ижара
3. олди-сотди шартномаси
4. ер участкасини ўзга шахсга ўтказишнинг бошқа турлари
5. ер участкасига бўлган мулк ҳуқуқини берувчи давлат ордери
6. мулкдорларнинг ёки улар ваколат берган шахсларнинг қарори

## ЕР ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК



**ЕР ЭГАЛАРИ, ЕРДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАР ВА ИЖАРАЧИЛАР**
**томонидан**

**ҚУЙИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН БИТИМЛАР:**

1. **ер участкалари олди-сотдиси**
2. **ер участка-ларини ҳадя қилиш**
3. **ер участкаларини гаровга қўйиш** (ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини, шу жумладан ким ошди савдоси асосида олинган шундай ҳуқуқни, шунингдек ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга қўйиш бундан мустасно)
4. **ер участкаларини ўзбошимчалик билан айирбошлаш**

**ҲАҚИҚИЙ ЭМАС ДЕБ ҲИСОБЛАНАДИ**

*Бундай битимларни амалга оширишда айбдор шахслар қонунга биноан жавобгар бўладилар.*

## ЕР ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

**Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органга ер участкасига бўлган ҳуқуқни рўйхатдан ўтказиш учун ўз вақтида мурожаат этмаслик**

① **ФУҚАРОЛАРГА**

**базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 бараваридан 3 бараваригача миқдорда жарима**

② **МАНСАБДОР ШАХСЛАРГА**

**3 бараваридан 5 бараваригача миқдорда жарима**

***МЖТК.60-модда. $68^{1}$-модда. Ер участкасига бўлган ҳуқуқни рўйхатдан ўтказиш учун ўз вақтида мурожаат этмаслик***

# ЕР ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

**Ердан, сувдан, ўсимлик ёки ҳайвонот дунёсидан ўзбошимчалик билан фойдаланиш ёхуд ерга ва бошқа табиий ресурсларга (бундан ер ости бойликлари ва ер ости сувлари мустасно) эгалик ҳуқуқини бевосита ёки яширин шаклда бузувчи битимлар тузиш ёки бошқа ҳаракатлар содир этиш, табиатдан махсус фойдаланиш ҳуқуқини бошқаларга бериш**

① **ФУҚАРОЛАРГА**

**фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 бараваридан 10 баравариgacha миқдорда жарима**

② **МАНСАБДОР ШАХСЛАРГА**

**10 бараваридан 15 бараваригача миқдорда жарима солишга ёки 15 суткагача муддатга маъмурий қамоққа олиш**

*МЖТК.60-модда. Табиий ресурсларга эгалик ҳуқуқини бузиш*

## ЕР ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

**Ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш**

① **ФУҚАРОЛАРГА**

**базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваридан 15 бараваригача миқдорда жарима**

② **МАНСАБДОР ШАХСЛАРГА**

**20 бараваридан 30 бараваригача миқдорда жарима солишга ёки 15 суткагача маъмурий қамоққа олиш**

*Ҳуқуқбузарликни биринчи марта содир этган шахс, агар у ўзбошимчалик билан эгалланган ер участкасининг қайтарилишини таъминласа ҳамда ўзбошимчалик билан эгаллаб олишнинг оқибатларини бартараф қилса, жавобгарликдан озод этилади.*

***МЖТК.60-модда. Табиий ресурсларга эгалик ҳуқуқини бузиш***

## ЕР ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

**Ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш, агар худди шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса**

↓

**базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 бараваридан 100 бараваригача миқдорда жарима ёки 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд 1 йилгача озодликни чеклаш ёки 1 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади**

*ЖК. 229[1]-модда. Ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш*

# ЕР УЧАСТКАЛАРИДАН ҲУЖЖАТЛАРСИЗ ЁХУД ҲУЖЖАТЛАРДА КЎРСАТИЛГАНИДАН КАТТАРОҚ ҲАЖМДА ФОЙДАЛАНИЛГАНДА СОЛИҚ ҲИСОБЛАШ

**ЮРИДИК ШАХСЛАР**

Ер майдонларидан ҳужжатларсиз ёхуд ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларда кўрсатилганидан каттароқ ҳажмда фойдаланилганда

Солиқ кодексининг 429-моддаси 13-қисмига асосан

солиқ ставкаси белгиланган солиқ ставкаларининг 4 баравари миқдорида белгиланади

**ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР**

Ер участкаларидан ҳужжатларсиз ёхуд ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларда кўрсатилганидан каттароқ ҳажмда фойдаланилганда

Солиқ кодексининг 437-моддаси 9-қисмига асосан

Солиқ ставкаси белгиланган солиқ ставкаларининг 3 баравари миқдорида белгиланади

## ЕР УЧАСТКАЛАРИДАН ҲУЖЖАТЛАРСИЗ ЁХУД ҲУЖЖАТЛАРДА КЎРСАТИЛГАНИДАН КАТТАРОҚ ҲАЖМДА ФОЙДАЛАНИЛГАНДА СОЛИҚ ҲИСОБЛАШ

***Мисол:***

*Самарқанд вилояти Ургут тумани ҳокимининг 2019 йил 21 майдаги 2878-Қ-сонли қарорида фуқаро Уралов Махмуд Акром ўғлига ажратилган Ургут тумани Ваткан Кўзибек маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган ер участкасининг 600,0 кв.метрига умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи берилган бўлиб, қолган 3989,0 кв.метри* ***ортиқча томорқа*** *сифатида қайд этилган.*

Кадастр органларида келиб тушган маълумотда 600 кв.м.ҳужжатли, қолган 3989 кв.м. ҳужжатсиз (ёки ҳужжатдагидан ортиқча) майдон сифатида тақдим этилган.

Шунга кўра 600 кв.м.га белгиланган ставка бўйича, 3989 кв м.га солиқ ставкаси белгиланган солиқ ставкаларининг **уч баравари миқдорида ҳисобланган.**

# ЕР УЧАСТКАЛАРИДАН ҲУЖЖАТЛАРСИЗ ЁХУД ҲУЖЖАТЛАРДА КЎРСАТИЛГАНИДАН КАТТАРОҚ ҲАЖМДА ФОЙДАЛАНИЛГАНДА СОЛИҚ ҲИСОБЛАШ

## ВАЗИЯТЛИ МАСАЛА:

*Фарғона вилояти Қўштепа тумани Шодлик МФЙда фуқаро ҳовлиси (турар жойи)нинг умумий майдони 15 сотихни ташкил этади.*

*Кадастр ҳужжатида эса ер майдони 10 сотих этиб белгиланган.*

*Қолган 5 сотих ердан ҳужжатсиз фойдаланмоқда.*

## 2021 ЙИЛДА МАЗКУР ФУҚАРОНИНГ ЕР МАЙДОНИ БЎЙИЧА ТЎЛАНИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН ЕР СОЛИҒИ ҚАНДАЙ ҲИСОБЛАНАДИ

| № | Маҳалла номи | 2021 йилда Қўштепа тумани учун вилоят тасдиқлаган ставкаси | Коэффициент (0,7 дан 3 гача) | 2021 йил учун ер солиғи ставкаси |
|---|---|---|---|---|
| 7. | Шодлик МФЙ | **151,9** | 0,95 | 144,3 |

## *ЕЧИМИ:*

*5 сотих (15-10) ердан ҳужжатсиз фойдаланмоқда. 5 сотих ер учун базавий ставканинг 3 баравари миқдорида, яъни 500 кв. метр * (144,3*3) миқдорида солиқ ҳисобланади.*

*Ер солиғи суммасини ҳисоблаймиз:*

*1) 1000 кв.м *144,3=144 300 сўм солиқ кадастр ҳужжатидаги ер майдони учун;*

*2) 500 кв.м *(144,3 *3)=216 450 сўм солиқ ҳужжатсиз фойдаланилаётган ер учун.*

*Жами ҳисобланган ер солиғи суммаси:*

*144 300 сўм+216 450 сўм=**360 750 сўм***

# ЕР УЧАСТКАЛАРИДАН ҲУЖЖАТЛАРСИЗ ЁХУД ҲУЖЖАТЛАРДА КЎРСАТИЛГАНИДАН КАТТАРОҚ ҲАЖМДА ФОЙДАЛАНИЛГАНДА СОЛИҚ ҲИСОБЛАШ

***Белгиланган меъёрдан ортиқ ер майдонидан фойдаланилганлик учун оширилган ставкада ер солиғи хисобланиши (Фуқаро Ч.Холмурадова мисолида)***



# ЕР УЧАСТКАЛАРИДАН ҲУЖЖАТЛАРСИЗ ЁХУД ҲУЖЖАТЛАРДА КЎРСАТИЛГАНИДАН КАТТАРОҚ ҲАЖМДА ФОЙДАЛАНИЛГАНДА СОЛИҚ ҲИСОБЛАШ

***Белгиланган меъёрдан ортиқ ер майдонидан фойдаланилганлик учун оширилган ставкада ер солиғи хисобланиши (Фуқаро Ч.Холмурадова мисолида) давоми***



Excel | Налоги | Поиск | КЛС | Инспектор | Ставка | Платежное извещение | Платежное извещение (Отправленные) | Новые поступившие об

| Туман | Объект тури | Махалла | Куча | Уй | Хонадон | Манзил | Инспектор коди |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Джамбайский район | Индивидуальный д... | Джамбай г., Алишер Нав... | ул. М.Базаров | 8-б | | Джамбай г., ул. М.Базаро... | 79 |

14:02:09:05:01:0175 - Джамбай г., ул. М.Базаров, дом 8-б

Excel | 2020 | Перенести в КЛС | КЛС | Отменить КЛС | Редактировать

| Меъёридаги ортик майдони у-н ставка | Меъёридаги ортик майдони у-н | Ноқонуний эгаллаган ер майдони | Ноқонуний эгаллаган ер майдонига ҳисобланган солиқ | Ер солиги суммаси | Курилган йили | Р |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 230.4 | 0 | 0 | 0.00 | 118 236.67 | | 2 |

Фукаро маълумотлари | Мол-мулк солиги | Ер солиги

Вид | Добавить | Редактировать | КЛС

| ФИО | СТИР | Фамилияси | Исми | Шарифи | Тоифаси | Тугилган санаси | П |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| ХАЛМУРАДОВА ЧА... | 500025974 | ХАЛМУРАДОВА | ЧАРОС | ЗИЁДОВНА | Физическое лицо | 20.04.1977 | |

# ЕР УЧАСТКАЛАРИДАН ҲУЖЖАТЛАРСИЗ ЁХУД ҲУЖЖАТЛАРДА КЎРСАТИЛГАНИДАН КАТТАРОҚ ҲАЖМДА ФОЙДАЛАНИЛГАНДА СОЛИҚ ҲИСОБЛАШ

***Ер участкаларидан ҳужжатларсиз ёхуд ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларда кўрсатилганидан каттароқ ҳажмда фойдаланаётган фуқароларга оширилган ставкаларда ер солиғи ҳисобланиши (СКнинг 429-моддаси бўйича 4-баравар ставка қўлланилади)***




